



ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Дехканова Нилуфар

Тошкент давлат аграр университети
ORCID: 0009-0001-6449-034X

dexkanova17@mail.ru

Галимова Фируза

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID: 0009-0000-2424-3355

firuzaza@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда хорижий тажрибалар таҳлил қилинган ва уларнинг Ўзбекистон саноати учун аҳамияти ўрганилган. Тадқиқот доирасида соҳанинг долзарб муаммолари кўриб чиқилди ва хорижий амалиёт асосида кластер моделларини жорий этиш имкониятлари таҳлил қилинди. Методология сифатида иқтисодий таҳлил ва қиёсий услублар қўлланилди. Тадқиқот натижасида инновацион технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишлари кўрсатилган. Ушбу ишнинг илмий ва амалий аҳамияти шундаки, озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш учун амалий тавсиялар тақдим этилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, ривожланиш тенденциялари, хорижий тажриба, кластерлар, инновациялар, экспорт, қайта ишлаш.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И ТЕНДЕНЦИИ ЕЁ РАЗВИТИЯ

Дехканова Нилуфар

Ташкентский государственный аграрный университет

Галимова Фируза

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье проанализирован зарубежный опыт развития пищевой промышленности и его значимость для промышленности Узбекистана. В рамках исследования рассмотрены актуальные проблемы отрасли и проведен анализ возможностей внедрения кластерных моделей на основе международного опыта. Методология включала экономический анализ и сравнительные методы. Результаты исследования подчеркивают необходимость внедрения инновационных технологий и повышения эффективности производства. Научная и практическая значимость работы заключается в предложении практических рекомендаций для модернизации пищевой промышленности.

Ключевые слова: пищевая промышленность, тенденции развития, зарубежный опыт, кластеры, инновации, экспорт, переработка.

FOREIGN EXPERIENCE IN DEVELOPMENT OF THE FOOD INDUSTRY AND TRENDS IN ITS DEVELOPMENT

Dehkanova Nilufar

Tashkent State Agrarian University

Galimova Firuza

Tashkent State University of Economics

Annotation. *The article analyzes international experiences in the development of the food industry and their relevance for Uzbekistan's industry. The study examines pressing issues in the sector and evaluates the potential for adopting cluster models based on international practices. The methodology involved economic analysis and comparative methods. The findings emphasize the importance of implementing innovative technologies and enhancing production efficiency. The scientific and practical significance lies in providing practical recommendations for modernizing the food industry.*

Keywords: *food industry, development trends, international experience, clusters, innovations, export, processing.*

Кириш.

Озиқ-овқат саноати ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётида стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади. У инсоннинг асосий эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, иқтисодий барқарорлик ва жаҳон бозорида рақобатдошликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Замонавий глобаллашув жараёнлари ва аҳоли сонининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг доимий равишда ортиб боришига олиб келмоқда. Шу боис озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, хусусан, инновацион ёндашувларни жорий этиш долзарб масала сифатида туради.

Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади – озиқ-овқат саноатини инновацион ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш имкониятларини ўрганишдан иборат. Тадқиқот доирасида соҳанинг халқаро миқёсдаги тенденциялари, ривожланган мамлакатларнинг муваффақиятли амалиётлари ва уларнинг миллий саноатга татбиқ этиш имкониятлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот методологияси сифатида иқтисодий таҳлил, қиёсий тадқиқот ва аналитик таҳлил усуллари қўлланилди. Ушбу тадқиқот натижалари озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш, кластер моделларини жорий этиш ва инновацион технологияларни татбиқ қилишга йўналтирилган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

Мазкур ишнинг илмий аҳамияти шундаки, у Ўзбекистон озиқ-овқат саноати учун долзарб бўлган муаммоларни ҳал этишда халқаро тажрибаларнинг қўлланилишини асослаб беради. Шу билан бирга, таклиф қилинган тавсиялар соҳанинг барқарор ривожланиши ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини оширишга қаратилган.

Тадқиқотнинг умумий мазмуни ҳар бир бўлимда изчил ва тизимли равишда баён этилган бўлиб, муаммонинг долзарблиги, методологияси, натижалари ва амалий таклифлари кириш қисмидан бошлаб ёритиб борилган.

Тадқиқот методологияси.

Мазкур тадқиқотда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни миллий саноатга татбиқ этиш имкониятларини ёритишда қуйидаги методологик ёндашувлардан фойдаланилди: таққослаш, анализ, синтез, иқтисодий таҳлил ва аналитик таҳлил усуллари.

Тадқиқот давомида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг озиқ-овқат

саноати ривожини, ишлаб чиқариш жараёнларидаги инновациялар ва технологияларнинг аҳамияти кенг ўрганилди. Айниқса, соҳага оид кластерлар модели ва унинг муваффақиятли амалиётлари таққослаш усули ёрдамида батафсил таҳлил қилинди.

Адабиётлар шарҳи.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича тадқиқотларда соҳанинг долзарб муаммолари ва уларни ҳал қилиш бўйича турли усуллар кенг муҳокама қилинган. Ушбу адабиётлар тадқиқот мавзусининг илмий ва амалий аҳамиятини янада кенгроқ ёритишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” (Қарор, 2020, ПҚ-4821) қарорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар аниқ белгиланган. Ушбу ҳужжат соҳага давлат кўмагининг муҳим жиҳатларини таъминлайди.

Сабиров (2024) томонидан тайёрланган “Озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялаш бўйича қарорлар қабул қилишда экспертлар фикридан фойдаланиш услубиёти” номли тадқиқотда ушбу соҳада эксперт сўров усулини қўллаш ва тармоқларни модернизация қилиш самарадорлигини ошириш бўйича ёндашувлар баён этилган.

Абдуллаев (2024) томонидан ёзилган “Озиқ-овқат саноати кластерлари ривожланишининг минтақавий хусусиятлари” номли мақолада озиқ-овқат саноатида кластер тизимини ташкил этиш масалалари ва уларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича аниқ тавсиялар берилган. Муаллиф миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциясини таъминлашда кластерларнинг роли ва аҳамиятини кенг ёритган.

Сабиров (2020) “Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш” номли мақоласида Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш орқали ривожланиш истиқболлари кўриб чиқилган. Тадқиқотда иқтисодий таҳлил ва статистика усуллари билан кенг фойдаланилган.

“Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари” (Дехканова, 2024) номли мақоласида Германия, Япония ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг озиқ-овқат саноатидаги инновацион ёндашувлари таҳлил қилинган. Ушбу ёндашувлар миллий амалиётга татбиқ қилиш имкониятлари билан ўрганилган.

Умаров (2018) томонидан чоп этилган “Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти” мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти ва мамлакат ҳудудлари бўйича унинг тақсимоли кенг ўрганилган. Ушбу тадқиқот маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим маълумотлар тақдим этади.

Ибрагимов Ғанижоннинг (2020) “Озиқ-овқат саноатининг трансформациялашуви: назарий қарашлар ва уларнинг мазмун-моҳияти” номли мақоласида озиқ-овқат саноати корхоналарини қайта қуриш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги асосланган. Муаллиф миллий ва ҳудудий даражадаги стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим тавсиялар берган.

Ушбу адабиётларнинг барчаси озиқ-овқат саноатини инновацион ривожлантириш, кластерларни ташкил этиш ва жаҳон бозоридан рақобатбардошликни таъминлаш бўйича муҳим илмий ва амалий билимлар билан бойитади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Озиқ-овқат саноати соҳаси ишчилар сонининг кўплиги ва ишлаб чиқарилаётган

маҳсулот ҳажми юқорилиги бўйича иқтисодиётнинг энг йирик тармоқлардан ҳисобланади. Бу тармоқнинг жамият учун муҳимлиги шундаки, у инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири - озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Жаҳон ишлаб чиқариш саноати таркибида озиқ-овқат саноатининг улуши қарийб – 9 %, ривожланган мамлакатларда – 7,6 %, ривожланаётган мамлакатларда - 11,8 % ни ташкил этади⁵⁸.

Ривожланган мамлакатларда озиқ-овқат саноати ўзининг юқори сифатли ва хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариши билан ажралиб туради. Бу давлатларда сут, гўшт, балиқ, консерва ва қандолатчилик саноати алоҳида ўрин тутди.

Ривожланишнинг турли даражаси ва жойлашувининг ўзига хос хусусиятларига кўра, қайта ишлаш саноати корхоналари фаолият кўрсатаётган мамлакатларни куйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: дастлабки гуруҳга иқтисодиёти ўта ривожланган давлатлар, кейинги гуруҳга ривожланаётган давлатлар, сўнгги гуруҳга эса, ривожланишдан ортда қолаётган мамлакатларни киритиш мумкин (Ломакин, 2014).

Ушбу гуруҳлар орасидаги тафовут бугунги кунда анча ўзгариб, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўзгаришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда (Ломакин, 2014).

Жаҳон мамлакатларида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни асосий тармоқлар бўйича ривожланиб бориши ўрганилганда шу маълум бўлдики, ХХ асрнинг охири - ХХI асрнинг бошларида дунёда гўшт ишлаб чиқариш соҳасида катта ўзгаришлар рўй берди. Бунга, аввало, иқтисодий ўсиш ва гўшт истеъмолнинг ошганлиги сабаб бўлса, иккинчидан, ривожланган давлатлардаги парҳез гўштга бўлган талабнинг ошиши ҳам таъсир кўрсатди (Чеботарев, 2016).

Гўшт ишлаб чиқарувчи асосий минтақа - Осиё давлатлари бўлиб, ундан кейинги ўринда - Америка Қўшма Штатлари туради. Охириги йилларда дунё бўйича гўшт ишлаб чиқариш ҳажмида Европа давлатларининг улуши камайиб бормоқда. Жаҳонда 2019 йилда гўшт ишлаб чиқариш 337 миллион тоннага етди, бу 2000 йилга нисбатан 44 фоизга ёки 103 миллион тоннага кўпроқни ташкил этади. ФАОнинг маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 2019 йилга нисбатан 1,1 фоизга камайган ва 333 миллион тоннани ташкил этган (1-жадвал). Бу пасайиш, асосан, чўчқа гўшти ишлаб чиқаришнинг 8,3 % га камайиши билан боғлиқ. Чўчқа гўшти ишлаб чиқаришнинг пасайишига асосий сабабларидан бири бу 2019 йилда Хитойда чўчқаларда Африка иситмаси (чума) касаллигининг тарқалиши оқибатида гўшт истеъмолнинг кескин камайганлигидадир⁵⁹.

1-жадвал

Дунёда гўшт ишлаб чиқариш динамикаси

Давлатлар	2010	2012	2014	2016	2017	2018	2019	2020	млн. тонна
									2020 йилда 2010 йилга нисбатан, %
Дунё	294,4	307,1	319,7	328,9	335,2	343,1	336,6	333,0	113,1
Хитой	80,9	85,0	88,0	86,6	86,9	88,3	77,4	75,1	92,8
ЕИ-28	44,8	45,0	44,9	47,4	47,2	48,1	48,1	48,4	108,0
АҚШ	42,0	42,6	42,8	44,6	45,8	46,8	48,1	47,5	113,1
Бразилия	23,6	24,6	26,0	27,0	27,7	28,1	28,6	30,6	129,7
Россия	7,2	8,0	9,0	9,9	10,3	10,6	10,9	11,0	152,8
Ҳиндистон	6,1	6,6	6,9	7,3	7,6	8,0	8,1	7,3	119,7

Манба: <http://www.fao.org/faostat/> маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

⁵⁸ <http://profil.adu.by/mod/book/view.php?id=1860&chapterid=4472>

⁵⁹ World Food and Agriculture – Statistical Yearbook 2021 - <https://reliefweb.int/report/world/fao-statistical-yearbook-2021-world-food-and-agriculture>

Жаҳонда парранда гўшти бозори ҳам жадал ривожланмоқда. Охирги 10 йил ичида парранда гўшти ишлаб чиқариш 2010 йилдаги 99,3 миллион тоннадан 2020 йилда 136,8 миллион тоннагача ёки 37,8 фоизга ўсди.

Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчилари Хитой, Европа Иттифоқи давлатлари, АҚШ, Бразилия, Россия ва Ҳиндистондир.

Хитой ва Америка Қўшма Штатлари асосий гўшт ишлаб чиқарувчилар учталигига киради. Хусусан, дунё бўйича чўчка гўшти етиштиришнинг қарийб 40 фоизи Хитойнинг, товуқ ва қорамол гўшти ишлаб чиқаришнинг 17-18 фоизи Америка Қўшма Штатлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ушбу икки давлатларда гўшт турли мақсадларда етиштирилади, масалан, Хитойда гўшт етиштириш, асосан, ички бозор учун мўлжалланган бўлса, АҚШда ишлаб чиқарилган гўштининг (айниқса, товуқ гўштининг) салмоқли қисми экспорт учун мўлжалланган.

Дунёда 2020 йилда бошланган COVID-19 пандемияси ва унга қарши кураш бўйича турли чора-тадбирлар жаҳон озиқ-овқат ресурсларининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Бундан ташқари, жаҳон савдосининг стандартлари ва қоидалари ўзгармоқда, ишлаб чиқариш, логистика ва савдо моделлари янгиланмоқда, озиқ-овқат хавфсизлиги тамойилларига ўзгартиришлар киритилмоқда, озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг янги шакллари вужудга келмоқда.

2020 йилда ижтимоий узоқлаштириш чоралари туфайли глобал қайта ишлаш қувватлари камайиши кузатилди, натижада, гўшт ишлаб чиқаришдаги узилишлар, уни етказиб беришда муаммоларни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, якуний маҳсулот нархининг ошишига олиб келди.

Европа мамлакатлари ҳамда АҚШ ва Австралияда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати юқори даражада ривожланган. Франция, Финландия, Германия, Голландия ва Швейцарияда сифатли қаймоқ, сариёғ ҳамда пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Ҳиндистон, АҚШ, Германия ҳайвон ёғини катта миқдорда ишлаб чиқарувчилар ҳисобланса, Европа мамлакатлари, Австралия, Янги Зеландия, Хитой ва МДҲ давлатлари - сут маҳсулотларини импорт қилувчи асосий мамлакатлардир (Эрмеков, 2013).

2019 йилда дунёда сут ишлаб чиқариш 52,4 фоизга ўсиб, 883 миллион тоннани ташкил этди, бу 2000 йилга нисбатан 304 миллион тоннага кўпдир (2-жадвал).

Осиё давлатлари улуши 2019 йилда жами ишлаб чиқарилган сутнинг 42 %ни ташкил этган ҳолда, Европа Иттифоқи (26 %), Америка (23 %), Африка (5 %) ва Океанияни (3 %) ортда қолдириб, энг йирик сут ишлаб чиқарувчи минтақага айланди.

2-жадвал

Дунёда сут ишлаб чиқариш динамикаси

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	млн. тонна
									2019 й.да 2000 й.га нисбатан, %
Дунё	579,6	650,1	723,6	802,5	814,0	854,7	879,7	883,3	152,4
Ҳиндистон	79,9	95,8	122,1	155,7	165,3	176,3	188,0	187,6	234,8
АҚШ	76,0	80,3	87,5	94,6	96,4	97,8	98,7	99,1	130,4
Покистон	25,6	29,4	35,5	41,6	42,9	52,5	54,1	56,0	218,8
Хитой	12,4	32,0	41,2	36,5	35,4	35,0	35,5	36,8	296,8
Бразилия	20,6	25,6	31,0	34,9	33,9	34,6	35,2	36,2	175,7
Германия	28,4	28,5	29,6	32,7	32,7	36,6	33,1	33,1	116,5

Манба: <http://www.fao.org/faostat/> маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Хусусан, Осиё давлатларида сут ишлаб чиқариш 2000-2019 йиллар оралиғида икки

баравар кўпайиб, 170 миллион тоннадан 369 миллион тоннагача ўсди. Ушбу ўсиш асосан, Ҳиндистонда сут ишлаб чиқаришнинг кўпайиши (108 миллион тонна) ҳисобига содир бўлди. Ҳиндистон жаҳон ишлаб чиқаришининг 21 фоиз улуши миқдорида сут ишлаб чиқариб, энг йирик сут ишлаб чиқарувчи мамлакатга айланган. 2019 йилда 11 фоиз улуш билан Америка Қўшма Штатлари иккинчи йирик сут ишлаб чиқарувчи бўлди; қолган йирик сут ишлаб чиқарувчилари (Покистон, Хитой, Бразилия, Германия, Россия Федерацияси ва Франция) жаҳон ишлаб чиқаришида 3-6 фоиз миқдордаги улушда сут ишлаб чиқарган.

Қайта ишланган хом ашё бўйича биринчи бешта сут ишлаб чиқарувчилари қаторига: Dairy Farmers of America, Nestle, Arla Foods, Fonterra ва Groupe Lactalis каби компаниялар киради (3-жадвал). Рейтингда Dairy Farmers of America биринчи ўринни эгаллади⁶⁰. Қуйидаги 3-жадвалда келтирилган компаниялардан ташқари, IFCN рейтингига: Glanbia Group (АҚШ), California Dairies (АҚШ), Danone (Франция), Agropur (Канада АҚШ), DMK (Германия, Голландия), Myuller (Германия, Буюк Британия), Leprino (АҚШ), Land O'Lakes (АҚШ), Savensiya (Франция) ва Sodiaal (Франция) ҳам киради. 20 та йирик сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялар йилига 212 миллион тонна сутни қайта ишлайди ва уларнинг улуши умумий ҳажмда 24 % ни ташкил қилади.

3-жадвал

Дунёдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича энг йирик компаниялар рейтинги

№	Компаниянинг номи	Компаниянинг қайси мамлакатга мансублиги	Қайта ишланган сут ҳажми, миллион тонна	Бир килограмм сутдан ҳисобланган даромад, АҚШ доллари	Жаҳонда сут ишлаб чиқариш бозоридаги улуши, %
1.	Dairy Farmers of America	АҚШ	28,6	0,6	3,2
2.	Groupe Lactalis	Франция	21,7	1,1	2,4
3.	Fonterra	Янги Зеландия	18,7	0,7	2,1
4.	Arla Foods	Дания, Швеция	13,7	0,9	1,5
5.	Nestlé	Швейцария	13,6	1,1	1,5
6.	FrieslandCampina	Голландия	11,8	1,1	1,3
7.	Saputo	Канада, АҚШ	10,5	1,0	1,2
8.	Amul	Ҳиндистон	10,3	0,5	1,2
9.	Yili	Хитой	9,6	1,6	1,1
10.	Mengniu	Хитой	9,0	1,2	1,0

Манба: <https://ifcndairy.org/> - IFCN Dairy Research Network маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

Рейтингдаги 10 та компания Европа бозорида, 6 таси Шимолий Америкада, 6 таси Осиё-Тинч океани минтақасида фаолият юритади, уларнинг 50 %и хусусий компаниялар ва 50 %и кооперативларга қарашли ташкилотлар томонидан банд этилган. Умуман олганда, рейтинг иштирокчилари томонидан жаҳон бозорида сотиладиган сутнинг 40 % гача қисми қайта ишланади. 2020 йилда рейтинг иштирокчилари бозордаги беқарор вазият ва коронавирус пандемиясининг таъсирига қарамай, қайта ишланган сут ҳажмини 1 фоизга оширишга эришдилар. 2020 йилда етакчи 20 та компаниялар томонидан фермерларга 77 миллиард доллар, корхона ишчиларига 22 миллиард доллар, компания эгаларига 9 миллиард доллар миқдорида

⁶⁰ <https://milknews.ru/analitika-rinka-moloka/reitingi/top-20-pererabotchikov-ifcn.html>

маблағлар ҳамда 3 миллиард доллар миқдориди солиқ тўловлари тўланган⁶¹.

Дунёда ҳар йили 170 миллион тоннадан ортиқ шакар ишлаб чиқарилади, бунинг деярли 80 % и шакарқамиш ва 20 % и қанд лавлагидан олинадиган шакардир. Дунёнинг энг йирик шакар ишлаб чиқарувчилари Бразилия (йилига тахминан 35 миллион тонна) ва Ҳиндистон (тахминан 27 миллион тонна) ҳисобланади. Россия ушбу рўйхатда 9-ўринни эгаллайди. “Ривожланган мамлакатларда қамиш ва лавлагидан қанд ишлаб чиқариш тахминан 10 % га тенг, ривожланаётган мамлакатларда эса 90% га яқин шакар шакарқамишдан тайёрланади”⁶².

Дунё бўйича Бразилия, Ҳиндистон, Хитой, Куба, АҚШ, Австралия, Франция, Германия каби давлатлар энг йирик шакар ишлаб чиқарувчилар ҳисобланади.

Озиқ-овқат саноати таркибида сариеғ ва пишлоқ ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам муҳим ўрин тутди. Маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг пишлоқ маҳсулотларига бўлган истеъмолининг ортганлиги сабабли, у сариеғга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилмоқда. Пишлоқ маҳсулотлари, асосан, Франция, Швецария, Нидерландия каби давлатларда кўп миқдорда ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда пишлоқ маҳсулотларига бўлган талабнинг ўсиши туфайли пишлоқ ишлаб чиқариш географияси АҚШ, Германия, Франция давлатлари ҳисобига янада кенгайди.

АҚШ, Ҳиндистон ва Янги Зеландия ҳайвонот ёғи ишлаб чиқарувчи йирик мамлакатлар қаторига киради. Шунингдек, кўплаб мамлакатларда ўсимлик мойи ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган.

АҚШ, Буюк Британия, Австрия, Дания, Нидерландия, Швецария каби мамлакатлар томонидан фермер хўжаликларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш тадбирлари амалга оширилиши туфайли иқтисодийнинг аграр тармоғида юқори натижаларга эришилмоқда (Максимцев, 2016).

АҚШда озиқ-овқат саноати соҳаси юқори даражада ривожланган бўлиб, унинг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 12 фоизни ташкил этади. Ушбу мамлакатда гўшт, сут, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар, консерва ишлаб чиқариш озиқ-овқат саноатининг энг муҳим тармоқлари ҳисобланади. Қўшма Штатларда озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг юқорилиги туфайли табиий маҳсулотларнинг ўрнини босувчи турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган (Чеботарев, 2016). Таъкидлаш жоизки, АҚШнинг барча штатларида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолият юритади. АҚШнинг кўпгина йирик шаҳарлари ушбу саноатнинг етакчи марказлари ҳисобланади. Жумладан, ун тегирмон корхоналари Миннесота штатининг Миннеаполис, Сент-Пол шаҳарларида, Канзас-Сити штатида, Нью Йоркнинг Буффало шаҳрида, гўшт саноати Канзас-Ситида ва Иллинойс штатининг Чикаго шаҳрида ҳамда Небраска штатининг Омаха шаҳрида, сут ва пишлоқ маҳсулотлари - Висконсин ва Миннесота штатларида, сабзавот консервалари ва мева шарбатлари ишлаб чиқариш корхоналари, асосан, Калифорния ва Флорида штатида, қандолат маҳсулотлари Нью-Йорк ва Чикаго штатларида, Соса-Сола ичимлиги ишлаб чиқарувчи корхоналар, асосан, Джоржия штатининг Атланта шаҳрида жойлашган (Эрмеков, 2013).

Пиво заводлари Висконсин, Миссури ва Колорадо штатларида жойлашган бўлиб, у ерда пиво немис пивоси ишлаб чиқарувчиларнинг рецептлари асосида тайёрланади.

Тамаки, асосан, Виржиния ва Шимолий Каролина штатларида етиштирилиши сабабли тамаки саноати корхоналари ушбу ҳудудларда жойлашган. Сигарет ишлаб чиқариш корхоналари, асосан, Пиедмонт ва Кентукки штатида жойлашган. Асосий марказлари: Гринборо - Уинстон-Салем-Хигх Поинт ва Шимолий Каролинадаги Дурҳам, Виржиниядаги Ричмонд ва Кентуккидаги Луисвилл шаҳарлари ҳисобланади. Америка

⁶¹ <https://milknews.ru/analitika-rinka-moloka/reitingi/top-20-pererabotchikov-ifcn.html>

⁶² Мировой рынок сахара. - URL: <http://мниап.рф/analytics/Mirovoj-gynok-sahara/>, Международный независимый институт аграрной политики.

тамакисидан сигарет ишлаб чиқариш шимолий-шарқ (асосий маркази Филадельфия) да тўпланган (Чеботарев, 2016).

Канадада умумий ишлаб чиқариш қиймати бўйича озиқ-овқат саноати иккинчи йирик иқтисодий тармоғи бўлиб, у 2019 йилда умумий ишлаб чиқариш савдосининг 17 фоизини ва миллий ялпи ички маҳсулотнинг 2 фоизини ташкил қилган⁶³. Мазкур соҳада 2019 йилда 290 минг нафар киши иш билан таъминлаган. Гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ушбу саноатнинг энг йирик кичик тармоғи бўлиб, барча ишлаб чиқариш савдосининг 25 % ини ташкил этса, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича (12,3 %) иккинчи ўринда туради.

Канада озиқ-овқат саноати жуда инновацион саноатдир. Саноат корхоналарининг аксарият қисми (72 %) 2016-2018 йиллар давомида маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш жараёнларида, ташкилий-бошқарув муносабатларда ҳамда маркетингда инновацион услубларни кенг жорий қилишган, улардан деярли ярмини озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш жараёнлари инновацияси (48 %) ташкил этган⁶⁴.

Хитой саноати, шубҳасиз, энг ривожланган саноатлардан бири ҳисобланади. Озиқ-овқат саноати корхоналарининг умумий сони ва уларда банд бўлган ишчилар сони бўйича у дунёда биринчи ўринда туради. Хитойнинг жанубий-ғарбий қисмида кўплаб озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашган. Хитойда аҳоли сони кўп бўлишига қарамасдан, уларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб тўла қондирила бошланди. Маълумки, Хитой денгиз маҳсулотлари ва балиқ, шу билан бирга, мева ва сабзавотларни экспорт қилувчи асосий мамлакатлардан биридир. Чой саноати тарихан ривожланган, XIX асрдан бери Хитой дунёда чойнинг асосий етказиб берувчиларидан бири ҳисобланади. Чой саноати корхоналари, асосан, чой етиштирувчиларга яқин жойлашган, чунки йиғилган хом ашё дарҳол қайта ишланиши керак, бу анча аввал қурилган заводларда амалга оширилади.

Япония юқори саноатлашган давлатдир. Япония ҳудудининг кичиклигига қарамай, жаҳон саноат маҳсулотларининг 12 % га яқинини ишлаб чиқаради. Японияда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, асосан, импорт қилинадиган хом ашё асосида амалга оширилади, чунки мамлакатда ўз хом ашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун имконият ва ресурслар мавжуд эмас. Шу билан бирга, Япония дунёдаги энг йирик озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлардан биридир. Мамлакат шакар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шунингдек, Японияда органик маҳсулотларга ва соғлиқ учун фойдали озиқ-овқатларга бўлган талаб каттадир (Щербанин, 2015).

Жанубий Кореяда ҳам турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинади. Қандни фаол қайта ишлаш, алкогольли ичимликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Корейс пивосидан ташқари, пештахталарда ғарбий рецептлар бўйича тайёрланган турли хил узум винолари ва бошқа ичимликлар мавжуд. Жанубий Кореяда қишлоқ хўжалигининг асоси бўлган ўсимликчилик соҳаси юқори даражада ривожланган. Мамлакатда денгиз маҳсулотлари етиштирилади. Шундан, балиқ маҳсулотларининг каттагина қисми экспорт қилинади (Чеботарев, 2016).

Дунёда озиқ-овқат саноатининг жадал ривожланиши билан бир қатор соҳада қарама-қарши тенденциялар ҳам мавжудлиги билан характерланади. Бу, бир томондан, ривожланаётган мамлакатларда анъанавий саноат тармоқлари ҳамон юксалиб

⁶³ Agriculture and Agri-Food Canada. 2020. [Overview of the Food and Beverage Processing Industry](https://www.agr.gc.ca/eng/food-products/processed-food-and-beverages/overview-of-the-food-and-beverage-processing-industry/?id=1174563085690). July 16. Available at <https://www.agr.gc.ca/eng/food-products/processed-food-and-beverages/overview-of-the-food-and-beverage-processing-industry/?id=1174563085690>

⁶⁴ Statistics Canada. 2019. ["Innovation in the food processing industry, 2018."](https://www150.statcan.gc.ca/n1/daily-quotidien/191212/dq191212f-eng.htm) *The Daily*. December 12. Ottawa: Statistics Canada Catalogue no. 11-001-X. Available at <https://www150.statcan.gc.ca/n1/daily-quotidien/191212/dq191212f-eng.htm>.

бораётганлиги бўлса, бошқа томондан, ривожланган мамлакатларда эса, унинг акси, яъни пасайиши қайд этилмоқда. Шунинг учун, тамаки саноати юқори ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ўтмоқда. Худди шундай жараён шакар саноатида ҳам содир бўлмоқда. Юқори ривожланган мамлакатларда вино ва пиво ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада камайди, ривожланаётган мамлакатларда эса ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда ўсимликчилик тармоғидан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш устун даражада бўлиб, бу қанд ишлаб чиқариш, ун ва дон етиштиришнинг нисбатан кўп етиштирилши билан изоҳланади.

Келажакда ривожланган мамлакатлардан «эскирган», «зарарли» ва кўп меҳнат талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш линияларини кам ривожланган мамлакатларга ўтказиш тенденцияси давом этади. Бу дунёнинг турли минтақаларида турли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш тармоқларнинг «тарқалиши» га ёрдам беради. Юқорида таъкидлаганимиздек, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида Осиё мамлакатлари, биринчи навбатда, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари улуши ошиб бормоқда. Саноатнинг тармоқ структурасида бир-бирини тўлдирувчи иккита тенденцияни кузатиш мумкин. Бир томондан, тармоқлар кичик ишлаб чиқариш тармоқларига «ажралишда» давом этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги ҳам кучайиб бормоқда.

Мамлакатимизга импорт қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг аксарияти Швейцариянинг «Nestlé» компанияси, АҚШнинг «Cargill», «PepsiCo», «Kraft Foods», «Coca-Cola», «Kellogg's», «Mars», «General Mills» компаниялари ва Британиянинг «Unilever» компанияси каби дунёдаги энг нуфузли ўнта корпорациялари томонидан ишлаб чиқарилади. Хорижий компаниялар иш фаолиятидаги қуйидаги ижобий жиҳатларидан, яъни: самарали инновацион технологиялардан фойдаланиш, узоқ муддатга инвестиция киритиш, пухта ўйланган стратегия ишлаб чиқилиши, иш тажрибаси, замонавий маркетинг услубларини жорий этиш учун етарли маблағлар жалб этилиши, самарали логистика хизмати, малакали менежментни ташкил этиш, давлат томонидан турли қўллаб-қувватлаш тадбирларининг амалга оширилиши каби омиллардан республикамиз озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятида ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

«Forbes» журнали дунёдаги энг йирик компанияларни ўз ичига олган Global 2000⁶⁵ рейтингининг янги версиясини эълон қилди. Рейтинга озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки ишлаб чиқариш бўйича жаҳон гигантлари киритилган.

Учта етакчи ва шунга мос равишда, рўйхатнинг биринчи юзталигига Швейцариянинг «Nestlé» корпорацияси (39-ўрин), дунёдаги энг йирик алкохолсиз ичимликлар ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган Американинг «PepsiCo» (70-ўрин) ҳамда сигарета, тамаки ва бошқа никотинли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Британиянинг «British American Tobacco» (81-ўрин) трансмиллий компанияси киради. Концентратлар, сироплар ва алкохолсиз ичимликлар бўйича дунёда энг йирик ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи Американинг «Coca-Cola» компаниясини (102-ўрин) алоҳида таъкидлаш жоиз (4-жадвал)⁶⁶. Озиқ-овқат компаниялари орасида Америка қўшма штатлари, Хитой ва Европа давлатлари корхоналари етакчилик қилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, кластерлар орқали озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини ташкил этиш жуда муҳим ва ўзини оқлайдиган хўжалик юритиш шаклидир. Кластерларга йирик корхоналар билан бирга, кичик корхоналарни ҳам жалб этиш мумкинлиги билан ажралиб туради.

⁶⁵ <https://www.forbes.com/lists/global2000/#41c3ae955ac0>

⁶⁶ <https://www.forbes.com/global2000/list/#industry:Food%2C%20Drink%20%26%20Tobacco> – The World's Largest Public Companies, 2021 ranking

АҚШ, Канада, Белгия, Финляндия, Нидерландия, Франция, Германия, Венгрия ва Австрия каби мамлакатларда озиқ-овқат ишлаб чиқариш кластерлари ташкил этилган бўлиб, ҳозирда улар муваффақиятли фаолият олиб бормоқдалар. Ушбу мамлакатларда кластерлар ташкил этилиши, нафақат ҳудуддаги, балки бутун минтақадаги мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, кластер иштирокчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам ошиб бормоқда.

АҚШнинг Калифорния штатида вино кластерлари самарали фаолият юритмоқда. У ўз ичига узумчиликка ихтисослашган йирик корхоналар ҳамда кичик вино ишлаб чиқарувчи субъектларни ҳам қамраб олган. Ушбу вино кластери маҳсулотлари озиқ-овқат савдоси ва ресторан тармоқлари билан боғланган.

4-жадвал

2021 йилда Global 2000 рейтингига кўра дунёдаги энг йирик озиқ-овқат компаниялари кетма-кетлиги⁶⁷

млрд. АҚШ долл.

Ўрин	Номи	Мамлакат	Сотиш	Даромадлар	Активлар	Бозор қиймати
39	Nestlé	Швейцария	89,9	13	140,3	333,2
70	PepsiCo	АҚШ	71,3	7,5	91,2	199,2
81	British American Tobacco	АҚШ	33,1	8,2	188,2	91,6
102	Coca-Cola	АҚШ	33	7,7	87,3	231,3
174	Philip Morris International	АҚШ	28,7	8	44,8	144,8
176	Mondelez International	АҚШ	26,6	3,6	67,8	82,6
216	Altria Group	АҚШ	20,8	4,5	47,4	96,9
238	Danone	Франция	26,9	2,2	52,3	46,4
247	Archer Daniels Midland	АҚШ	64,4	1,8	49,7	33,2
264	Kweichow Moutai	Хитой	12,2	6,8	32,6	395,8

Канада иқтисодиёти ҳам кўплаб муваффақият билан фаолият юритаётган юқори технологияли кластер моделларининг мавжудлиги билан тавсифланади, масалан, энг кўзга кўринган кластерлар сифатида Ниагара вино кластерлари ва Торонто озиқ-овқат саноати кластерларини айтиш мумкин. Канадада кластерлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳукуматнинг барча даражаларида - федерал, минтақавий ва шаҳарлар даражасида амалга оширилади. Федерал даражада кластерларни қўллаб-қувватлаш Канада ҳукуматининг ушбу соҳага инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини амалга ошириши, компания маҳсулотларини ташқи бозорларда сотишга ёрдам бериш, меҳнат бозорини тартибга солиш ҳамда истиқболли тадқиқот ва ишланмаларга сармоя киритиш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳамда таълим дастурларини яратишда ўз ифодасини топади.

Куйи Австрияда (Food Cluster of Lower Austria) озиқ-овқат кластерини шакллантиришда миллий инновацион ва тадқиқот дастури муҳим роль ўйнади. Унинг асосини: иқтисодиёт тармоқлари ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида алоқаларни ривожлантириш, инновацион дастурларни амалга оширишдаги турли тўсиқларни қисқартириш сиёсати ташкил этади. Куйи Австрияда озиқ-овқат кластерининг асосий вазифаси юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади: озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашнинг инновацион усулларида, шунингдек, илғор технологиялардан

⁶⁷ GLOBAL 2000. How The World's Biggest Public Companies Endured The Pandemic, 2021 ranking маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

фойдаланиш; органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда бошқалар. Озиқ-овқат кластерининг мақсади, маҳсулот ишлаб чиқариш, технология ва маркетинг соҳасини ривожлантириш тадбирларини амалга оширишдир. Ушбу тадбирлар компанияларнинг узоқ муддат иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини сақлаб қолиш ва халқаро бозорда рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради.

Мақсадга эришиш учун Австрияда озиқ-овқат кластери орқали озиқ-овқат сифати ва хавфсизлиги, органик маҳсулотлар етиштиришга мўлжалланган корхоналар ва илмий-тадқиқот муассасалари билан узвий ҳамкорлиги ташкил этилади ва мувофиқлаштирилади. «Кластернинг мақсадли гуруҳларига бутун қиймат занжири ташкил этувчи қўйидаги озиқ-овқат саноати корхоналари киради: қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ва саноат корхоналари, озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана ва улгуржи савдоси, озиқ-овқат саноати учун машина ва ускуналар ишлаб чиқарувчилар, тозалаш воситалари ишлаб чиқарувчилар, зараркунандаларга қарши кураш хизматлари, қадоқлаш корхоналари, илмий-тадқиқот муассасалари, лабораториялар, маслаҳатчилар ва бошқалар»⁶⁸.

Германиянинг эса кучли иқтисодиёти «бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва инновациялар учун минтақавий яқинликдан фойдаланадиган умумий йўналишга эга бўлган «кластерлар» – фирмалар ва тадқиқот институтлари гуруҳлари тармоғи асосида қурилган. Food Regio - Шимолий Германия озиқ-овқат саноати кластер тармоғи 2006 йилда ташкил этилган бўлиб, унга Германия шимолидаги беш штат таркибидаги компаниялар аъзодир. Унда асосий эътибор озиқ-овқат қиймати занжиридаги ўрта компаниялар ва ёрдамчи ташкилотларга қаратилган. 2010 йилда foodRegio ва Beltfood бутун Болтиқ денгизи ҳудудида озиқ-овқат кластерлари тармоғини яратди»⁶⁹. Кластерлар фаолиятининг асосий йўналиши озиқ-овқат саноатида инновацион жараёнлар ва маҳсулотлар алмашинувига қаратилган. Бошқа учта немис озиқ-овқат занжири билан биргаликда foodRegio Германия озиқ-овқат кластерини ташкил қилиш учун кучларни бирлаштирди ва шу асосда кластернинг халқаро нуфузи янада ошди.

Бранденбург (Германия) озиқ-овқат саноати кластерида: Шпривалд корнишони, Эберсвалдер колбасалари, Белитзер спаржаси, Вердеранер кетчупи, Пригнитсер маккажўхори бўлаклари, Вердер мева ва сабзавотлари ишлаб чиқарилади. Глобал рақобат шароитидаги ушбу муваффақиятни янада ошириш учун озиқ-овқат саноати кластерини компаниялар, университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва ассоциациялар билан биргаликда ташкил этиш талаб этилади.

Нидерландиянинг жанубий-шарқидagi озиқ-овқат метроси кластери - оқсилли маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, ресурсларни тежаш, вертикал ва горизонтал интеграцияни оқилона ташкил этишга қаратилган.

Барча Европа мамлакатларида миллий кластер дастурлари, асосан, миллий вазирликлар маблағлари ҳисобидан, минтақавий дастурлар эса, минтақавий бюджетлар ҳисобидан молиялаштирилади. Кластер дастурлари хусусий бизнес томонидан молиялаштирилатган мамлакатлар улуши у қадар катта эмас. Барча штатларда кластер сиёсатини амалга ошириш учун махсус ташкил этилган ташкилотлар ва хусусий агентликлар масъул ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар.

Хорижда ҳудудларни ривожлантиришда турли хил кластер усуллари кенг қўлланилади. Бозор муносабатлари ривожланган давлатларда кластерларни ташкил этилиши ва улар фаолияти ўрганилганда, умумий қолиплар ва фикр-мулоҳазалар

⁶⁸ <https://cupdf.com/document/folder-food-cluster-of-lower-austria.html>

⁶⁹ <https://www.clusterplattform.de/CLUSTER/Redaktion/EN/Cluster/go-cluster/foodregio.html>

йўқлиги маълум бўлди. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар кластерларни ташкил этишда озиқ-овқат саноатининг қайси йўналишларида уни шакллантириш бўйича масъулларни аниқлашда турли ёндашувлардан фойдаланилган.

Озиқ-овқат саноатида кластерларини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- кластерларни ташкил этиш озиқ-овқат саноатининг табиий шароитда ривожланишини таъминлайди;

- кластерларни ташкил этишнинг алоҳида хусусияти шундаки, унинг иштирокчилари ҳар бир фаолият натижаси бўйича синергетик самара олиш имконига эга бўладилар;

- инновацияларни тезкор равишда жорий этилиши - кластернинг ўзига хос бўлган яна бир хусусиятидир;

- маҳаллий ҳокимликлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа хўжалик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштириш асосида ҳамкорликни шакллантириш кластер сиёсатининг асосини ташкил этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, озиқ-овқат саноати миллий иқтисодийнинг стратегик тармоғи сифатида аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ушбу соҳа ривожланиши учун инновацион технологияларни жорий этиш, замонавий бошқарув моделларидан фойдаланиш ҳамда халқаро тажрибани миллий шароитларга мослаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Мақолада Германия, Япония, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича самарали ечимлар, жумладан, кластер моделларини жорий қилиш, инновацияларни тезкор татбиқ этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш тажрибалари ўрганилган. Ушбу тажрибалар Ўзбекистонда озиқ-овқат саноатини модернизация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда қўлланиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқотда озиқ-овқат саноатида инфратузилмани ривожлантириш, худудий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва давлат қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш зарурияти қайд этилган. Ушбу чоралар нафақат ички бозордаги маҳсулот сифатини яхшилашга, балки экспорт имкониятларини кенгайтиришга ҳам ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг асосий таклифлари қуйидагича:

- озиқ-овқат саноатида инновацион технологияларни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини рақамлаштириш;

- худудларда озиқ-овқат кластерларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;

- маҳаллий ва халқаро сармояларни жалб қилиш учун қулай шароит яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратиш;

- соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича махсус дастурларни жорий этиш.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш орқали Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг умумий салоҳиятини ошириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий иқтисодийнинг барқарор ривожланишига ҳисса қўшиши мумкин.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Абдуллаев А.Г. (2024) Озиқ-овқат саноати кластерлари ривожланишининг минтақавий хусусиятлари // Экономика и социум. №4-1 (119). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ozii-ov-at-sanoati-klasterlari-rivozhlanishining-minta-aviy-hususiyatlari>.

Дехканова Н., Муродов Н., Шерназаров М. (2024). Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг хорижий тажрибалари ва улардан фойдаланиш имкониятлари // «Globallashuv va iqlim o'zgarishi sharoitida oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash: muammo va yechimlar» республика илмий-амалий анжумани – <https://doi.org/10.5281/zenodo.11440099>.

Ибрагимов Ф.Ф. (2020) Озиқ-овқат саноатининг трансформациялашуви: назарий қарашлар ва уларнинг мазмун-моҳияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябр-декабр, 2020 йил.

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.09.2020 йилдаги ПҚ-4821-сон “Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.

Ломакин В.К. (2014) Мировая экономика: учебник для студентов вузов / В.К.Ломакин. -4-е изд., перераб. и доп.-М.: ЮНИТИДАНА, 671с.

Максимцева А.И., Миропольского Д.Ю., Тарасевича Л.С. (2016) Евразийская политическая экономия / под ред. А.И. Максимцева, Д.Ю. Миропольского, Л.С. Тарасевича – СПб: Изд-во СПбГЭУ.

Сабиров Х. (2024) Озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялаш бўйича қарорлар қабул қилишда экспертлар фикридан фойдаланиш услуги // *Scientific Materials of Nordic*. Том 1 № 0001.

Сабиров Х.Н. (2020) Озиқ-овқат саноати ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6.

Умаров И.Ю. (2018) Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш салоҳияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2018 йил.

Чеботарев Н.Ф. (2016) Мировая экономика и международные экономические отношения: учебник. – М.: Изд.-торг. корпорация «Дашков и К°».

Щербаник Ю.А. (2015) Мировая экономика: учебник / под ред. Ю.А. Щербанина. – М.: Юнити-Дана, 503 с.

Эрмеков Д.Ж. (2013) Опыт развития перерабатывающей промышленности в зарубежных странах // *Вестник Ошского государственного университета*. №. 4. С. 88-92.